

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 13 » апрель 20 19 у.

№ 308

Toshkent sh.

**Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идоралараро  
электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тартибини соддалаштириш ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини (кейинги ўринларда “Ягона реестр” АТ деб аталади) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. “Ягона реестр” АТ куйидагиларни назарда тутди:

идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаган ҳолда аҳолига давлат томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва ёрдам бериш билан боғлиқ тартиб-таомилларни автоматлаштириш;

давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш учун мурожаат қилувчилар ва олувчилар тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд катламларига давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг барча турлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш ва таҳлил қилиш;

давлат ижтимоий ёрдамини тайинлашда оилаларнинг эҳтиёжмандлиги даражасини ва ариза берувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган мезонларга мувофиқлигини реал вақт режимида баҳолаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор ташкилотларга уларга юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун “Ягона реестр” АТдан зарур ахборотни бериш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси “Ягона реестр” АТнинг эгаси ва фойдаланувчиси ҳисобланади;

б) “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам беришни (кейинги ўринларда ижтимоий нафақалар деб аталади) кўриб чиқиш ва тайинлаш тартиб-таомиллари Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳаси доирасида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб амалга оширилади.

### 3. Қуйидагилар:

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали реал вақт режимида маълумотлари базасига кириладиган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали улар билан айирбошланадиган маълумотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ;

улар томонидан маълумотлар базалари шакллантирилгунга қадар Идоралараро интеграция платформаси (кейинги ўринларда ИИП деб аталади) орқали идоралараро электрон сўровга мувофиқ реал вақт режимида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига ахборот тақдим этувчи, кейинчалик “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига кириш имкони бериладиган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у 2019 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини яратиш ва босқичма-босқич жорий этиш тадбирлари режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### 4. Белгилансинки:

“Ягона реестр” АТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шу жумладан, давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамнинг барча турларини маъмурий таъминлаш ва ҳисобга олиш жараёнларини бирлаштиришни назарда тутадиган унинг такомиллаштирилиши таъминлаган ҳолда босқичма-босқич 2019-2020 йилларда амалга оширилади;

2019 йил 1 октябргача тайинланган кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақаларни тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 мартдаги 165-ф-сон фармойишининг амал қилиши кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун ариза берган фуқароларга интерактив хизматларни кўрсатишда татбиқ этилади.



5. Ушбу қарорга 2-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўзларининг маълумотлар базаларини шакллантириш жадвалини киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил охиригача ўз маълумотлар базалари шакллантирилишини таъминласинлар, уларни ИИПга уласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил охиригача реал вақт режимида “Ягона реестр” АТга кириш учун электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғига (кейинги ўринларда ИМУТ деб аталади) уланишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 июндан бошлаб ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари белгиланган тартибда электрон ҳукуматнинг ИМУТга уланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2019 йил 1 октябргача ушбу қарорга 1-иловада кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари “Ягона реестр” АТнинг реал вақт режимида уларнинг маълумотлар базасига кириши учун ИИПга уланишини таъминласин.

8. Ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари зиммасига:

ахборот хавфсизлигига риоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда реал вақт режимида “Ягона реестр” АТнинг уларнинг базаларига кириши;

ИИП орқали “Ягона реестр” АТнинг идоралараро электрон сўрови асосида ахборот ўз вақтида шакллантирилиши ва берилиши таъминланиши учун масъулият юклансин.

9. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) “Ягона реестр” АТни ишлаб чиқиш ва жорий этиш:

2019-2020 йилларда Қўшма икки йиллик иш режаси асосида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг грант асосида бериладиган молиявий, техник ва эксперт жиҳатидан қўллаб-қувватлаши;

бериладиган кредит, шунингдек, Жаҳон банкининг техник ва эксперт жиҳатидан қўллаб-қувватлаши ҳисобига амалга оширилади;

б) ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан “Ягона реестр” АТни ишлаб чиқишга ихтисослаштирилган халқаро компания билан контракт тузилган.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси:

2019 йил 1 октябргача бўлган муддатда ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлари билан ахборот айирбошлашни назарда тутувчи “Ягона реестр” АТ ишлаб чиқилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин;

“Ягона реестр” АТнинг узлуксиз ишлашини ва у зарур техник жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминласин;

заруратга кўра электрон ҳисобот маълумотлари шакллантирилиши ҳисобга олинган ҳолда “Ягона реестр” АТ янада такомиллаштирилиши ва кузатиб борилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда ушбу қарорга 1 ва 2-иловаларда кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаларига кириш тартибини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор ижросининг тизимли мониторингини олиб борсин ва таҳлил қилсин ва зарурат бўлганда ижтимоий ёрдамни кўриб чиқиш ва кўрсатиш тартибини, шу жумладан, идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинлаш тартибини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тажриба лойиҳасини амалга ошириш доирасида ва даврида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Сирдарё вилоятининг меҳнат органлари томонидан кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинланиши ва тўланиши устидан мониторингни амалга ошириш бўйича 12 нафар инспекторларнинг штат бирликларини берсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Сирдарё вилоятидаги Бошқармасига “Ягона реестр” АТни жорий этиш ва кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тўлаш вазифалари юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси “Ягона реестр” АТ Сирдарё вилояти ҳудудида самарали жорий этилиши ва ишлаши билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Сирдарё вилоятидаги Бошқармасига комплекс кўмаклашсин.



13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига “Ягона реестр” АТ орқали кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар тайинлаш учун муружаат қилиш ва тайинлаш тартиби Сирдарё вилояти аҳолиси орасида мунтазам ва ҳар томонлама ёритилишини белгиланган тартибда таъминлаш тавсия қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 февралгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига Сирдарё вилоятидаги тажриба лойиҳасини амалга оширишнинг таҳлили натижалари ҳисобга олинган ҳолда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини республиканинг бутун ҳудудида жорий этиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 13 апрелдаги  
308-сон қарорига  
1-илова

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали реал вақт режимида маълумотлари  
базасига кириладиган давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда идоралараро электрон  
ўзаро ҳамкорлик орқали улар билан айирбошланадиган маълумотлар  
РЎЙХАТИ\***

<b>Т/р</b>	<b>Маълумотлар номи</b>	<b>Маълумот олувчи ташкилот</b>	<b>Маълумот тақдим этувчи ташкилот</b>	<b>Маълумотни етказиб бериш шартлари</b>
1	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкӣ даромадлар, яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган даромадлар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Давлат солиқ кўмитаси	ЖШШИР** бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
2	Оила аъзоси (аъзолари) тадбиркорлик, шу жумладан, яққа тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тўғрисидаги маълумот.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Давлат солиқ кўмитаси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
3	Пенсиялар, кексалик ва ногиронлик нафақалари, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ва нафақалари тарзидаги даромадлар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
4	Олий таълим муассасаларида талабаларга стипендиялар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Молия вазирлиги Ғазначилиги	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
5	Ишсизлик нафақаси.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
6	Ҳақи тўланадиган жамоат ишларида қатнашчидан олинган даромадлар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали

7	Қишлоқ хўжалиги ишларида (пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари терими, шу кабилар) қатнашишдан олинган даромадлар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	“Агробанк” АТБ	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
8	Ногиронлиги мавжуд шахс мақоми мавжудлиги, ногиронлик гуруҳи тўғрисида маълумот.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
9	Ўз автотранспорт воситаси мавжудлиги тўғрисида маълумот (ишлаб чиқарилган сана, тури, маркаси, техник ҳолати ва ҳоказолар)	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
10	Кўчмас мулк мавжудлиги тўғрисида маълумот.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Ўздавергеодезкадастр	Кўчмас мулк маълумотлар базасидан автоматлаштирилган сўров бўйича
11	Ариза берувчининг оила аъзолари таркиби тўғрисида маълумот (“ФҲДЁ ягона электрон архиви” АТга сўров).	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Туман (шаҳар) ҳокимликлари	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
12	Тўланган ва олинган алиментлар тўғрисида маълумотлар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Мажбурий ижро бюроси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
13	Ота-оналари ота-она тўловини тўлашдан озод этилган болаларни аниқлаш мақсадида оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТда кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот.	Мактабгача таълим вазирлиги	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	ЖШШИР бўйича ёки боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси орқали
14	Қуйидаги ўқувчиларни аниқлаш мақсадида оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТда кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот: умумтаълим мактабларининг бепул дарсликлар, кишки кийим-бош тўплами билан таъминланиши, куни узайтирилган гуруҳларда ота-оналар тўловларидан ва шу кабилардан озод этилиши керак бўлган ўқувчилари;	Халқ таълими вазирлиги	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	ЖШШИР бўйича ёки боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси орқали

	бепул озиқ-овқат билан таъминлаган мактаб-интернатлар ўқувчилари; мактабдан ташқари таълим муассасаларида бепул таълим олиши керак бўлган ўқувчилар ва бошқалар.			
15	Тиббиёт муассасаларида бепул даволаниш учун юборилиши таъминланиши керак бўлган беморларнинг имтиёзли контингентини аниқлаш мақсадида оилани оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТда кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
16	Оғир уй-жой-маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга бегараз ёрдам кўрсатиш мақсадида оила “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” АТда кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумот.	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва манфатдор вазирликлар ва идоралар.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	ЖШШИР бўйича автоматлаштирилган сўров орқали
17	Қабул қилинган ва кўриб чиқилган аризалар, тайинланган ва тўланган нафақалар ва моддий ёрдам тўғрисида маълумот.	Молия вазирлиги	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Хар ойда реал вақт режимида

\*) Реал вақт режимида маълумотлар базасига кириш дастурий комплекс ва маълумотлар базаси тузилмасига аралашши ҳуқуқсиз берилади.

\*\*) ЖШШИР – жисмоний шахснинг паспорти бўйича аниқланадиган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 13 апрелдаги  
308-сон қарорига  
2-илова

**Улар томонидан маълумотлар базалари шакллантирилгунга қадар  
Идоралараро интеграция платформаси орқали идоралараро электрон  
сўровга мувофиқ реал вақт режимда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”  
ахборот тизимига ахборот тақдим этувчи, кейинчалик “Ижтимоий  
ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига кириш имкони бериладиган  
давлат органлари ва ташкилотлари  
РЎЙХАТИ\***

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси.
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолитини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши.

*\*) Қонун ҳужжатларида белгиланган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” автоматлаштирилган ахборот тизимининг сўрови бўйича ва ваколатлари ва вазифалари доирасида.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 13 апрелдаги  
308-сон қарорига  
3-илова

**Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига “Ижтимоий  
ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар  
ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низом Сирдарё вилоятида бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга (кейинги ўринларда болали оилаларга нафақалар деб аталади) нафақалар (кейинги ўринларда бола парвариши бўйича нафақа деб аталади) ва кам таъминланган оилаларига моддий ёрдам (кейинги ўринларда моддий ёрдам деб аталади) тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Вақтинчалик низомнинг бола парвариши бўйича нафақани тайинлаш ва тўлашга оид қисмининг амал қилиши нафақанинг ушбу турини тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ташкилотларда ишлайдиган оналарга татбиқ этилмайди (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар бундан мустасно).

3. Тўланадиган болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам миқдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам 6 ой муддатга, бола парвариши бўйича нафақалар эса – 12 ойга тайинланади, бироқ бола икки ёшга тўлган ойдан ортиқ эмас.

Агар туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган икки ва ундан ортиқ болалар парвариш қилинса, у ҳолда бола парвариши бўйича нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар бир барабар миқдорида тўланади.

4. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими томонидан умумлаштирилади ва шакллантирилади.

5. “Ягона реестр” АТ томонидан кам таъминланган деб белгиланган оила ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

6. Сирдарё вилояти туманлари (шаҳарлари) бюджетлари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдам тўловларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

## **2-боб. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш шартлари**

7. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам жами даромад белгиланадиган даврда белгиланган оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг ўртача ойлик 1,5 миқдоридан ортиқ бўлмаган миқдорда тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадга эга бўлган оилаларга тайинланади.

8. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш ушбу Вақтинчалик низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ушбу Вақтинчалик низомда белгиланган тартибда ариза берувчи мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.

10. Бола парвариши бўйича нафақани кейинчалик олишга муҳтож бўлган уни олган шахс тўловнинг олдинги 12 ойлик муддати тамом бўлишидан бир ой олдин ушбу нафақа бола икки ёшга тўлгунга қадар танаффуссиз тўланиши давом эттирилиши масаласини ҳал этиш учун аризани белгиланган тартибда такроран бериш ҳуқуқига эгадир.

Болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам тўлашнинг белгиланган муддати тамом бўлгач ариза берувчи ижтимоий нафақа янги муддатга тўланиши давом эттирилиши тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Бунда болали оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам олиш учун ариза олдинги даврда тайинланган ижтимоий нафақани тўлашнинг муддати тамом бўлаётган ойдан кейинги ойда берилади. Такрорий мурожаатларни кўриб чиқиш умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

## **3-боб. Нафақалар ва моддий ёрдам учун мурожаат қилиш тартиби**

11. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги ариза:

бевосита “Ягона реестр” АТнинг расмий веб-сайтида электрон аризани тўлдириш;

бевосита Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматлари ягона порталида шахсий кабинет орқали электрон аризани тўлдириш;

яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўзи келиб ушбу Вақтинчалик низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ёзма аризани тўлдириш йўли билан берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига келиб ўзи мурожаат қилганда ёзма ариза фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан икки иш куни мобайнида ариза берувчининг маълумотларини “Ягона реестр” АТга киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига (кейинги ўринларда Пенсия жамғармаси бўлими деб аталади) берилади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими ариза ва оиланинг даромадлари тўғрисидаги ахборот олинган пайдан бошлаб икки иш куни мобайнида маълумотларнинг “Ягона реестр” АТга киритилишини таъминлайди.



12. Оилада ҳуқуқий лаёқатли аъзолар мавжуд бўлмаган айрим ҳолларда ариза электрон ёки ёзма шаклда ушбу оиланинг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раиси томонидан берилиши мумкин.

13. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ариза:

электрон шаклда – оила болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олишни хоҳлайдиган ойдан олдинги ойнинг 25-кунидан кечикмай;

ёзма шаклда – оила болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам олишни хоҳлайдиган ойдан олдинги ойнинг 20-кунидан кечикмай берилади.

Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлардан кейин берилган аризани кўриб чиқиш ариза берилган ойдан кейинги ойда белгиланган тартибда амалга оширилади.

14. Ариза шаклига қуйидаги маълумотлар киритилади:

ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми; яшаш жойи манзили (прописка жойи бўйича);

оиланинг 16 ёшдаги ва ундан катта ёшдаги аъзоларининг паспорти серияси ва рақами;

16 ёшгача болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси рақами;

оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар.

Агар болалар васийлик остида бўлган тақдирда аризага васийлик ва ҳомийлик органининг қарори кўчирмаси нусхаси илова қилинади.

15. Ариза берувчи оиланинг даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавоб беради ва ёлгон маълумотлар тақдим этилганда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

16. Ушбу Вақтинчалик низомнинг 14-бандига мувофиқ ариза ва тегишли ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда берилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган сана ҳисобланади.

17. Ариза “Ягона реестр” АТга киритилгандан кейин ариза берувчига аризанинг рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилган ҳолда унинг аризаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида электрон билдиришнома юборилади.

“Ягона реестр” АТнинг электрон билдиришномалари ариза берувчига аризада кўрсатилган электрон почта манзилига ёки мобил телефон рақамига юборилади.

Ариза берувчи ўз аризасининг мақоми билан “Ягона реестр” АТнинг расмий веб-сайтида, Пенсия жамғармасининг тегишли бўлими ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “тезкор алоқа” телефони бўйича танишиши мумкин.

#### **4-боб. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам олишга аризаларни кўриб чиқиш тартиби**

18. Ариза ва оила даромадлари тўғрисидаги маълумотлар “Ягона реестр” АТга киритилгандан кейин уч иш куни мобайнида ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ҳисоб-китоби автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади.

19. Қуйидаги ҳолларда тегишли ижтимоий нафақани ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилади:

а) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бандида кўрсатилган белгиланган мезонлардан ортиқлиги;

б) ариза берувчида ёки унинг оила аъзоларида кўчмас мулк мавжудлиги (ариза берувчининг прописка қилинган жойида жойлашган кўчмас мулк бундан мустасно);

в) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида жами ҳолда икки ва ундан ортиқ автотранспорт воситалари мавжудлиги;

г) аризада тақдим этилган маълумотларнинг ҳақиқатга номувофиқлиги аниқланиши;

д) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва меҳнат бўйича органларда ҳисобда турмаган ёки ҳақи тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги. Ушбу қоида:

томорқа участкасида ёки деҳқон хўжалигида доимий банд бўлган шахсларга;

бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилувчи оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга);

таълим муассасаларида ўқиётганларга (меҳнат шартномасига мувофиқ ишларни амалга ошириш ҳоллари бундан мустасно);

ишламайдиган пенсионерларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бор шахсларга;

ўзганинг парваришига муҳтож бўлган оила аъзосини парвариш қилаётганларга;

меҳнат фаолиятини амалга ошириш имконини бермайдиган ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг тегишли ҳудудий муассасасининг тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан тасдиқланган касаллиги бўлганларга нисбатан қўлланилмайди.

Ушбу бандда кўрсатилган мезонлар асосида тегишли нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш рад этилганда, ариза берувчига сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон билдиришнома юборилади.

20. Ариза берувчининг оиласи ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад ушбу Вақтинчалик низомнинг 7-бандида кўрсатилган мезонга мувофиқ бўлганда “Ягона реестр” АТда болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисидаги қарор баённомаси ўз-ўзидан умумлаштирилади.

Бунда ариза берувчига тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида электрон билдиришнома юборилади.

21. Болали оилаларга нафақа тайинланган оилада вояга етмаган болалар сони ўзгарган тақдирда (болалардан бири 14 ёшга тўлганда, навбатдаги бола туғилганда ва шу қабилар) нафақа миқдори болаларнинг тегишли сони билан оила учун белгиланган миқдорга мувофиқлаштирилади. Бунда янги миқдордаги нафақани тўлаш оиладаги вояга етмаган болалар сони ўзгарган ойдан кейинги ойдан бошланади.

22. Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими ҳар ойда оиланинг моддий-мулкӣ ҳолатини ушбу олувчи яшайдиган жойга чиқиб баҳолаш йўли билан олувчи оиласининг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилигини текширади.

23. Текширилиши керак бўлган нафақалар ва моддий ёрдам олувчилар рўйхати оиланинг бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилигига “Ягона реестр” АТда улар умумий сонининг камида 3 фоиздан иборат нафарда тегишли ой учун олувчилар сонидан тасодифий тартибда шакллантирилади (бирок тегишли ҳудуднинг ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан камида бир оила).

#### **5-боб. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик даромад ҳажми миқдорини аниқлаш**

24. Оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охиригича уч ой учун ҳисоблаб чиқилган оила ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлиш сифатида аниқланади.

25. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам олиш учун оила таркибига:

ота, она ёки болалар ота-онасининг никоҳда бўлган ҳар иккиси (фарзандликка олувчилар);

ота-оналар билан биргаликда яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар, шунингдек, ота-оналар билан бирга яшайдиган ва ўз оиласига эга бўлмаган 18 ёшдан катта болалар (шу жумладан, фарзандликка олинган болалар) киритилади;

Оиланинг биргаликда яшайдиган аъзолари таркиби аризада кўрсатилади.

26. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам тайинлаш учун ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган оила таркибига:

нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилган ота-оналарнинг ака-укалари ва опа-сингиллари;

уларга нисбатан ота-оналар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган болалар;

тўлиқ давлат таъминотидаги болалар, шунингдек, васийлик (ҳомийлик) остидаги болалар;



чақириқ бўйича ҳарбий хизматни ўтаётганлиги ёхуд ҳарбий таълим муассасасида ўқиётганлиги сабабли оилада бўлмаган ота-она (фарзандликка олувчи);

суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўйича жазони ижро этиш жойларида эканлиги муносабати билан оилада бўлмаган ота-она (фарзандликка олувчи);

болалар билан бирга яшайдиган боболар ва бувилар;

болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда хўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилмайди.

27. Ариза берувчининг оиласи таркибидаги маълумотларнинг ишончилиги “Ягона реестр” АТ томонидан “ФХДЁ ягона электрон архиви” ахборот тизими билан маълумотлар айирбошлаш йўли билан текширилади.

28. Ўртача ойлик жами даромад миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинadиган оиланинг жами даромадига, оила томонидан олинган қуйидаги даромадлар киритилади:

меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

мулкый даромадлар;

якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади;

пул тушумлари, шу жумладан, чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширувчи оила аъзоларидан тушган пул тушумлари суммаси;

пенсиялар, стипендиялар, алиментлар ва нафақалар (ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган тартибда оила томонидан олинadиган нафақалар ва моддий ёрдам бундан мустасно);

шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган даромад;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар ҳисобланган сумма бўйича ҳисобга олинади (қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунига қадар).

29. Агар тақдим этилган маълумотларда шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган ўртача ойлик даромад миқдори кўрсатилмаган бўлса ёхуд шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинadиган белгиланган норматив даромаддан паст кўрсатилган бўлса, у ҳолда оиланинг жами даромадини аниқлаш учун шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинadиган ойлик даромаднинг норматив миқдори қабул қилинади.

Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинadиган норматив даромад ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланилаётган сотихларни, ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам сўраб мурожат қилинган ойда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақини 0,2 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ер участкаси унумдорлиги холисона шарт-шароитларга кўра (сув билан таъминланмаганлик, тупроқнинг шўрланганлиги ва шу кабилар) юқорида кўрсатилган миқдорда норматив даромадни олиш имконини бермаган ёки умуман даромад олиш имконини бермайдиган айрим ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив даромадга пасайиш томонга тузатиш киритадилар.

30. Ариза берувчи ва унинг оиласи аъзоларининг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликни қўллаш йўли билан “Ягона реестр” АТда умумлаштирилади.

31. Оиланинг ўртача ойлик жами даромади ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган тартибда олинган оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар асосида аниқланади.

#### **6-боб. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдамни тўлаш**

32. Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам “Ягона реестр” АТ томонидан ҳар ойда шакллантириладиган электрон ведомост асосида ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тури бўйича тўланади.

33. Пенсия жамғармаси бўлимлари тўлов тўланадиган ойнинг 4-кунигача бўлган муддатда “Ягона реестр” АТ орқали “Халқ банки”нинг туман (шаҳар) бўлимига электрон ведомостларни тақдим этадилар.

34. Ведомостларнинг варақлари ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тури бўйича рақамланади. Ведомостларнинг ҳар бир варағида ведомостнинг тартиб рақами ва каср чизиғи орқали ведомост варағининг тартиб рақами кўрсатилади.

35. Ведомостда қуйидаги маълумотлар ёзилади:

ариза берувчининг рўйхатдан ўтказиш рақами;

ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи ва телефони рақами, паспортининг серияси ва рақами;

тўланиши керак бўлган сумма;

етказиб бериш (тўлаш) санаси, ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдамни олувчининг имзоси, етказиб берган (пулни берган) шахснинг имзоси, бир операция кунда ва тўлов ойининг бошидан бошлаб етказиб бериш (тўлаш) суммаси кўрсатилганда ҳисоб-китоб сеткаси.

36. Тўловнинг ўтган ойида олинмаган болали оилалар нафақалари, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам суммаси тўловнинг жорий ойи ведомостига киритилади.

Тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилинмаган (тўланмаган) болали оилалар нафақаси, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам ўтган вақт учун бутун давр учун бир вақтда тўлиқ миқдорда тўланади.

37. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдамни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан белгиланадиган “Халқ банки”нинг бўлинмаси орқали ташкил этилади.

38. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдамни тўлаш қуйидаги ҳолларда:

тўловнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддати тамом бўлганда;

доимий яшаш жойи ўзгарганда;

тегишли тўловларни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган бузилган ва ишончли бўлмаган маълумотлар аниқланганда тўхтатилади. Ушбу ҳолатда ўтган даврда тегишли тайинланган асоссиз тўланган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилиши керак.

Тўловни тўхтатиш (тўловнинг белгиланган муддати тамом бўлган ёки болалар тегишли ёшга тўлган (бола парвариши бўйича нафақалар учун – икки ёш, болали оилалар учун нафақалар – 14 ёш) Пенсия жамғармаси бўлимнинг қарори асосида амалга оширилади.

#### **7-боб. Маҳаллий бюджет маблағларидан молиялаштириш тартиби**

39. Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам тўлаш ушбу мақсадлар учун назарда тутилган туман (шаҳар) маҳаллий бюджети доирасида, уларни Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари тегишли иқтисодий таснифлагичи бўйича акс эттирган ҳолда амалга оширилади.

Болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам учун ғазначилик бўлинмаларида алоҳида шахсий ҳисобварақалари очилади.

40. Пенсия жамғармаси бўлими маблағларни Ягона ғазначилик ҳисобварағидан ведомостлар бўйича тайинланган суммалар доирасида, бироқ тегишли бюджетда назарда тутилганидан ортиқ бўлмаган доирада болали оилаларга нафақалар, бола парвариши бўйича нафақалар ёки моддий ёрдам тўлашга тегишли бюджетнинг шахсий ғазна ҳисобварағини кўрсатган ҳолда ойнинг 5-қунидан бошлаб, бироқ тўлов амалга ошириладиган ойнинг 25-қунидан кечикмай “Халқ банки”нинг туман (шаҳар) бўлимнинг (филиалининг) махсус ҳисоб варағига алоҳида тўлов топшириғи билан ўтказилади. Бунда ведомостлар бўйича қисман молиялаштиришга йўл қўйилмайди.



Маблағларни туман (шаҳар) молия бўлимларининг Ягона ғазначилик ҳисобварағидан ўтказиш ғазначилик бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда муддатда амалга оширилади.

41. Ойнинг охириги иш кунида ведомостлар ёпилади, тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилинмаган ижтимоий нафақалар ёки моддий ёрдам, нафақа ёки моддий ёрдам олувчининг номига махсус депозит ҳисоб рақамига ўтказилади ва унинг биринчи талаби билан тўланади. Тўлов ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам олувчининг яшаш жойи бўйича “Халқ банки” бўлинмалари (филиаллари) томонидан тўланади.

42. Молиялаштирилган ва тўланган ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўғрисидаги электрон ахборот реал вақт режимида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва “Халқ банки”нинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик орқали “Ягона реестр” АТ томонидан тақдим этилади.

43. Ижтимоий нафақалар тўлаш бўйича “Халқ банки” бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан “Халқ банки” ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Нафақалар ва моддий ёрдам тўлаш бўйича хизматларга ҳақ тўлаш миқдори ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамга ажратиладиган маблағлар доирасида “Халқ банки” томонидан тақдим этиладиган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан белгиланади.

44. Назарда тутилган бюджет маблағларини Сирдарё вилоятининг туманлари (шаҳарлари) ўртасида тақсимлаш ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилалар сонига қараб, ушбу оилаларнинг таркиби ва олдинги даврлар учун ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши (фойдаланилиши) даражаси ҳисобга олинган ҳолда Сирдарё вилояти ҳокимлигининг молия бошқармаси томонидан амалга оширилади.

45. Бир йил мобайнида олувчилар томонидан талаб қилинмаган маблағлар (вафот этган, яшаш жойи ўзгарган ва ижтимоий нафақа олувчининг айби билан бошқа сабаблар бўйича) туман (шаҳар)нинг маҳаллий бюджетига тикланиши керак.

### **8-боб. Яқунловчи қондалар**

46. Ариза берувчи ва унинг оила аъзоларига тегишли ахборот автоматлаштиришган режимда фақат “Ягона реестр” АТдан олинладиган ва таҳлил қилинадиган махфий тусдаги ахборот ҳисобланади ва ошқор қилинмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

47. Ажратиладиган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш режали текширишлар ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

48. Қуйидагилар учун:

оила даромадлари тўғрисидаги ахборотнинг ишончлилиги таъминланиши ва тўғри тўлдирилиши учун шахсий жавобгарлик – ариза берувчига;


ушбу Вақтинчалик низомга мувофиқ ариза ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш ва электрон ведомостни шакллантириш учун шахсий жавобгарлик – Пенсия жамғармаси бўлимининг раҳбарига;

маблағлар тўланишининг ўз вақтидалиги ва тўлиқлиги таъминланиши учун шахсий жавобгарлик – “Халқ банки” туман (шаҳар) бўлими (филиали) раҳбарига юкланади.

49. Ушбу Вақтинчалик низом 2020 йил 1 апрелгача амал қилади.

Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга  
1-илова

**Сирдарё вилоятининг кам таъминланган оилаларига ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш СХЕМАСИ**





Сирдарё вилоятининг кам таъминланган  
оилаларига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”  
ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар  
ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги вақтинчалик низомга  
2-илова

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг  
туман (шаҳар) бўлими раҳбарига

\_\_\_\_\_ вилояти  
\_\_\_\_\_ тумани

\_\_\_\_\_ манзилида яшайдиган (шу жумладан,  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш  
органининг номи)

\_\_\_\_\_ дан  
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

**АРИЗА**

Сиздан менинг оиламга \_\_\_\_\_  
(сўралаётган нафақа ёки моддий ёрдамнинг номи)

тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишингизни сўрайман.

Менинг оилам қуйидаги сабабларга кўра \_\_\_\_\_  
(боқувчисини йўқотган, оилада ногиронлиги бўлган шахс мавжудлиги, ишсизлик, бахтсиз ходиса, табиий офат,  
оила аъзоси (аъзолари)нинг огир касаллиги, ажралиш, бошқалар (мурожаатни сабаби кўрсатилиши лозим)  
\_\_\_\_\_ ижтимоий нафақага муҳтож.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

оила таркиби тўғрисида маълумот;

оиланинг бошқа даромадлари тўғрисида маълумот.

Ижтимоий нафақани (моддий ёрдамни): нақд пулда ; пластик карточага  олмакчиман  
(тегишли хужайра белгиланган ҳолда тўлов тури кўрсатилади)

Мурожаат қилувчининг имзоси (шахсан мурожаат қилганда): \_\_\_\_\_

Сана: 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_.

Аризани рўйхатдан ўтказди  
(шахсан мурожаат қилганда)

\_\_\_\_\_ (аризани қабул қилганнинг Ф.И.О.)

Сана: 20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
№ \_\_\_\_\_



**Оиланинг бошқа даромадлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

\_\_\_\_\_ (Ариза берувчининг Ф.И.О.)

1. Оила барча аъзоларининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойдан \_\_\_\_\_ ойигача (охирги 3 ой, мурожаат қилинган ойгача) бўлган даврдаги бошқа даромадлари (расмий даромадлардан ташқари):

Т/р	Даромад турлари номи	Даромадлар суммаси (сўм)
1	Кўчар ва кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган мулкый даромадлар (уй-жой, бино, ер, автотранспорт ва шу кабилар)	
2	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олинган даромадлар	
3	Пул тушумлари суммаси (шу жумладан, хорижда ишлайдиган ёки тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган оила аъзоларидан)	
4	Олинган алиментлар	
5	Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинган даромадлар	
6	Қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этишдан олинган даромадлар	
7	Бошқа даромадлар (турлари кўрсатилиши лозим)	

2. Мен, \_\_\_\_\_ (Ф.И.О тўлиқ кўрсатилади):

оилам даромадлари тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги учун жавобгарликни тушунаман ва тўлиқ қабул қиламан ҳамда мен томонимдан юқорида қайд этилган маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришим ҳақида хабардорман;

менинг даромадларим ва оила аъзоларим даромадлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, менинг ва оила аъзоларим номидан амалга оширилган барча банк операциялари «Ягона ижтимоий ҳимоя реестри» ахборот тизими орқали текширилишига розиман;

аризамда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаш зарурати юзага келганда менинг моддий ва мулкый ҳолатим Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлими масъул ходими томонидан яшаш жойимга таприф буюрган ҳолда баҳолаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги шартини қабул қиламан.

Ариза берувчининг имзоси: \_\_\_\_\_

Сана: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_



Сирдарё вилоятининг кам таъминланган  
оилаларига “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”  
ахборот тизими орқали ижтимоий нафақалар ва  
моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги вақтинчалик низомга  
3-илова

## **Шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олинадиган оиланинг норматив даромадини ҳисоблаш МЕТОДИКАСИ**

1. Ушбу оиланинг шахсий дехқон хўжалигини юритишдан олинадиган норматив даромадини ҳисоблаш методикаси ариза берувчи оиласининг натура шаклида олинадиган ёхуд ариза берувчи оиласида мавжуд бўлган шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олиши мумкин бўлган даромадларини ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг кўчмас мулк маълумотлар базасидан автоматлаштирилган сўров воситасида олинган маълумотлари асосида, ариза берувчи оиласи томонидан шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган сотихлардаги ер участкаси майдонидан келиб чиқиб ушбу Методиканинг 4-бандига мувофиқ формула бўйича шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олинадиган оиланинг ўртача ойлик норматив даромади аниқланади.

Ариза берувчи оиласининг олинадиган ёхуд шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олиши мумкин бўлган норматив даромадини ҳисоблаб чиқишда барча ер майдонлари, шу жумладан, фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳисобга олинади, турар жой бинолари ва хўжалик иморатлари қурилган ер бундан мустасно.

3. Кўчмас мулк маълумотлари базасида шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган ер участкаси майдони тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаганда, Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими масъул ходими ариза берувчи оиласидаги мавжуд ер участкасини ўлчаб чиқади.

4. Ариза берувчи оиласининг олинадиган ёхуд шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олиши мумкин бўлган ўртача ойлик даромади куйидаги формула бўйича аниқланади:

**НД = М (сот) \* 0,2 \* ЭКОИХ**, бунда

**НД** – шахсий ёрдамчи (дехқон) хўжалигини юритишдан олинадиган ўртача ойлик норматив даромад;

**М (сот)** – ер участкаси майдони (сотихда);

**0,2** – бир сотих майдондан олинадиган норматив даромадни акс эттирувчи коэффициент;

**ЭКОИХ** – норматив даромадни аниқлаш ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан белгиланган энг кам ойлик иш хақи миқдори.

5. Шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинадиган норматив даромадни аниқлашни ҳисоблаб чиқишнинг мисоли:

*Оилада деҳқон хўжалигини юритиш учун 10 сотих ҳажмида ер участкаси мавжуд. Норматив даромад аниқланадиган ойдаги иш ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ 202 730 сўмни ташиқил этади.*

*Оиланинг шахсий ёрдамчи (деҳқон) хўжалигини юритишдан олинадиган ўртача ойлик норматив даромади қуйидагичани ташиқил этади:  
 $10 \text{ сотих} \times 0,2 \times 202\,730 \text{ сўм} = 405\,460 \text{ сўм}.$*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 13 апрелдаги  
308-сон қарорига  
4-илова

**“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини яратиш  
ва босқичма-босқич жорий этиш  
ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

<b>Т/ Р</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Амалга ошириш муддатлари</b>	<b>Масъул ижрочилар</b>
<b>I. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ташкилий тадбирлар</b>				
1	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш, кузатиш ва янада такомиллаштириш жараёнини методик таъминлаш бўйича масъул ижрочилар мутахассисларидан иборат таркибда экспертлар кенгашини ташкил этиш.	Молия вазирлигининг буйруғи	2019 йил май	Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
2	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёнини техник таъминлаш ва кузатиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳни ташкил этиш.	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг буйруғи	2019 йил май	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича), манфаатдор вазирликлар ва идоралар.
3	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиш бўйича тадбирларни таъминлашга йўналтирилган жалб қилинадиган грант маблағларни жамлаш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тижорат банкида ҳисоб рақамларини, шу жумладан, валюта ҳисоб рақамларини очиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2019 йил май	Пенсия жамғармаси, хизмат кўрсатувчи тижорат банки



<b>II. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш</b>				
4	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кузатиш бўйича ишлар (хизматлар) қийматини, шу жумладан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ходимларини ўқитишга ва Сирдарё вилоятида тажриба лойиҳани ташкил этиш доирасида унинг самарали ишлашини таъминлаш учун моддий-техник жиҳозлаш харажатлари қийматини аниқлаш.	Бюджетни тасдиқлаш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш	2019 йил май	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
5	Солиқ органлари ва бошқа давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаларини таққослаш йўли билан, шу жумладан, мобил илова ишлаб чиқилишини ҳисобга олган ҳолда оилаларнинг ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва олишга бўлган муҳтожлигини реал вақт режимида баҳолашни назарда тутувчи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими яратиш бўйича техник топшириқни тайёрлаш.	Техник вазифаларни тасдиқлаш	2019 йил июнь	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа давлат органлари.
6	Давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаларига интеграция қилинган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	Техник топшириққа мувофиқ	Техник топшириқнинг муддаларига мувофиқ	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
7	Давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базаларини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан интеграция қилиш.	Техник топшириққа мувофиқ	Тасдиқланган жадвалга мувофиқ	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа давлат органлари.
8	“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ишлашини таъминлаш учун зарур бўлган компьютер ва бошқа техникани, инвентарь ва бошқа товарларни сотиб олиш.	Техник топшириққа мувофиқ	Тасдиқланган жадвалга мувофиқ	Пенсия жамғармаси, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги.

9	Сирдарё вилоятида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими тажриба лойиҳасини жорий этиш ва амалга ошириш ҳамда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлинмалари ва бошқа вазирликлар ва идораларнинг ходимларини – ушбу ахборот тизимидан фойдаланувчиларни ўқитиш.	Техник топшириққа мувофиқ	Техник топшириқнинг муддатларига мувофиқ	Пенсия жамғармаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
10	Сирдарё вилоятида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими тажриба сифатида жорий этилиши натижаларини таҳлил қилиш.	Таҳлилий материал	2020 йил I чораги	Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
11	Сирдарё вилоятидаги тажриба лойиҳасини таҳлил қилиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини республиканинг бутун ҳудудида жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Қарор лойиҳаси	2020 йил февраль	Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).

<b>III. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини кузатиб бориш чора-тадбирлари</b>				
12	Янги “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимининг моҳияти ва вазифлари тўғрисида ахборот материаллари тайёрлаш, уларни барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолига, айниқса бориш қийин бўлган ва чекка аҳоли пунктларида яшовчи аҳолига етказиш.	Ташкилий тадбирлар	2020 йил	Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
13	Аҳолига кўрсатиладиган давлат ижтимоий хизматларининг барча турларини хатловдан ўтказиш ва энг яхши хорижий амалиётларни ҳисобга олган ҳолда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига жорий этиш бўйича ижтимоий хизматлар давлат классификаторини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамасига аналитик маълумотлар ва таклифлар	2020 йил апрель	Пенсия жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви агентлиги, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ЮНИСЕФ Ваколатхонаси (келишув бўйича).
14	Ариза берувчининг тегишли ахборотни текширишга ва таҳлил қилишга розилиги ҳисобга олинган ҳолда ариза берувчи ва унинг оила аъзолари бўйича зарур маълумотлар ёпиқ форматда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига тақдим этилиши юзасидан “Банк сирини тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш ва киритиш.	Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш	2019 йил июнь	Пенсия жамғармаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Адлия вазирлиги.